

ТАРЖИМА НЕГА ҚИЛИНАДИ?

Кўплаб китоб ихлосмандларининг ҳатто кўчаларда ушбу асарни берилиб ўқиётганликларининг гувоҳи бўлдик. Кўпчилик тўла қониқ...

РАКЕТА ПАРВОЗИ ОРТИДАГИ ТАХДИД

Жаҳон давлатлари томонидан 1997 йилги очарчилик даврида 2 миллион кишининг қирилиб кетиши ва яна бир қатор жиддий...

ҲАМ ПАЗАНДА, ҲАМ ОЛИМ

Одатда қабих кимсалар одамларга гайирлик билан кушанда бўладилар. Яхшилар эса хусни ниятлари билан...

2-бет

3-бет

4-бет



Mustaqil gazeta HURRIYAT

1996-yil dekabrden chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@mail.ru № 27 (489) 2006-yil 12-iyul

«HURRIYAT»ga 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсииз! Наиш кўрсаткичи — 233

Замондош

ШУНДАЙ ЯШАСАНГ?

Анчадан буён ўзим ҳам ёзмоққа чоғланиб юрардим. "Жумон ота зўр одам-да! Эй, сен шуни бир ёзсанг экан", — дерди ҳамқишлоқларим афсус оҳангида.

Ота истамайгина жавоб қайтарди: — Ун тўрттагина болам бор, саккизи ўғил. Тасвирчи беихтиёр бошини чайқаб, хуштак чалиб юборди.

Бахмаллик Жумон отанинг ҳузурда бир кун

ди. Ернинг юзини қанча оҳсанг, Аллоҳ сенинг юзингни шунча очавераркан. Жумон ота ўзи айтишни истамаса ҳам ("Кўй-э, қизим, уят бўлади, бундай деб сўрама") биз атрофдагилардан...

Сана

Ўзбекистон Давлат Табиат музейи Марказий Осиёнинг дастлабки илмий-маърифий муассасаларидан бири бўлиб, 1876 йилда ташкил этилган (шу йилнинг 12 июлида музей ташкил этилганига 130 йил тўлади).

КЕКСА МУЗЕЙ ЯНТИЛАНЯТТИ

Октябр тўнтаридан кейин туркий давлат тасарруфига ўтади. Музей ишчи Муҳаммаднинг ўғли бўлиб, 1919 йилда "Туркистон халқ музейи" деб ном олан музей генерал-губернаторнинг қарорига, Оқ ўйса қўйилади.

Аксс-садо

www.gzt.uz агентлиги 5 июль кунин "Hurriyat" мустақил газетасида эълон қилинган "ҚЎШҚИЧИЛКМИ Ё ЛУТТИВОЗ-ЛИК..." мақоласи муаллифи нисбатан бир гуруҳ репер...

хурмат қилиниши, эшитатган нарсаси нима ҳақдалигини нафақат тунуниб, балки, сўзлардаги маънолардан завқланиб, ҳордиқ чиқариши керак эмасми? Қўшқиларининг ахир ана шу тингловчи учун-ку!

АГАР «РЕПЕРЛАР» ТАНҚИД УЧУН ТАЗЙК ҚИЛАВЕРСА

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишга мажбур бўламан, дейди муаллиф

— Алжон ака, маълум бўлишча, кеча бир гуруҳ "замонавий қўшиқ ижрочилари", яъни "реперлар" сизга тазйк қилишган. Шу воқеага оидинлик қилишга оласизми? — Албатта, кечаги беъмани воқеани қайтадан эслаш, боз устига уни сўзлаб бериш бирманча, ўша реперлар тили билан айтганда, «не приятный», воқеа. Хуллас, кеча ўша "замонавий" хиргойи "усталари" келиб, менга ўзларининг этирозларини билдиришди. Уларнинг айтишича: гўё мен уларнинг санъатини тушунаймаман ва шу боис ҳам миллионлаб ўзбек ёшлари жон-жон деб тинглаётган қўшиқларни сингдира олмаганман. Уларнинг назарида бу менинг замондан ортада қолганим ва эстрададаги энг замонавий йўналишларни билмаганимдан далолат экан. Барча этирозларнинг қулминацияси, мабодо, мен тушунамасам ёки тушунишни истамасам, бажонидий, ўзларига хос усулда тушунтириб ҳам қўйишлари мумкин экан. Ана шундай маза-бемаза гаплар-да...

Ўзингиз айтмоқчи "реперлар" кўшиқлари ҳатто ана шу кўринишда ҳам мухлислар орасида шов-шувлигини даъво қилишган? — Бир танишимнинг кучқаси бор, нуқул эрта тонгда танишимнинг оёқ кийимини ҳовлининг у четидан бунисига олиб бориб ташлайди. Кучқў ўзича шу ишимни ҳўжайинимга ёқди деб ўйлагани учун шундай қилади-да. Ваҳоланки, ҳўжайин бундан у қадар хурсанд ҳам эмас. Шунчаки, ҳа, энди ҳайвон-да, деб қўйсанг, демқочиманки, тек қўйсанг, кимга нималар ёқмайди. Ҳа, шунчақ экан-да энди, деб кетаверсанг, Ҳадиси шарифда айтилганидек бўлиб қолмайди? Яъни, Ҳадиси шарифда: "Емон ишни кўрсанг қўлинг билан тўхта, қўлинг билан тўхта олмасанг тилинг билан, уни ҳам эглай олмасанг дилинг билан тўхта, аммо сўнгиси иймон сўстлигидан далолат беради" дейилган. Балким, бироз авдашгандирман, аммо мазмунан, шундай...

— Бўлиб ўтган воқеа юзасидан сизнинг кейинги ҳаракатларингиз нимадан иборат бўлади? — Албатта, бу воқеа юзасидан кичикроқ чиқши қилмоқчиман, зеро агар воқеага қўл силтаб қўядиган бўлсанг, эртага бунга ўхшаш тазйиклар газак отиб кетиши мумкин. Қолаверса, муҳтарам "репер"ларга эслатиб ўтмоқчиманки, Ўзбекистонда журналистик чикиш учун тазйик қилиш ёки пўписалар билан тахриратията бостириб келиши масаласида қонуний чоралар мавжуд ва биз зарурат туғилса ана шу чоралардан фойдаланамиз. — Р.С. Афсуски, муаллифдан интервью олиш ҳарайида ҳам унга телефон орқали бир неча бор тахидлар қилинди. Агар бу ҳол тўхтамайдиган бўлса, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишга мажбур бўлишини айтиди. www.gzt.uz агентлиги ҳали бу мавзуга қайтди. Манба: www.gzt.uz



Ихтиро

"ҚАЛН БУНАҚАСИ ЯРАТНАМАГАН"

Ўки қатта кашфиёт деб айтилаётган "экофилтър" хусусида Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида (14.06) "Экологик маданият" номили мақола чикиди. Мақолада кўйидаги афсус аралаш гап бор эди: "Социологлар томонидан бунига сўров натижасига кўра, "Сиз мусаффо ҳавони танлаисизми ёки автомашинанинг?" деган саволга кўпчиликнинг "Автомашинани" деб жавоб берганлиги ҳам экологик онгимиз қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди". Қанча афсус чекмайлик, машинадан, умуман техникадан одамзот энди воз кечолмайди. Шунингдек, тоза ҳаво-сиз ҳам яшаб бўлмайди. Демак, иккаласини ҳам танлаш керак. Бунинг имкони борми?

Аҳвол

МАЛЛАЕВ ҲАМОН ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Ўхуд унинг даволаниш учун Екатеринбургга бориб келишига ҳомийлар топиш қийин кечайтгани хусусида

Маълумки, газетамизнинг шу йил 18 январь сонидида "Маллаевга операция қилмаганда тушди" ёхуд уч йилдан буён адаллат ахтариётган фўқаронинг изтироблари хусусида" танқидий мақола чоп этилган эди. Унда айрим шифоқорларнинг айби билан икки кўзи кўр бўлиб қолган Қ. Маллаевнинг тарди ҳасрати баён қилинган эди. Мақола чоп этилгандан сўнг вилоят ҳокимлигиндан жорий "Ҳомийлар ва шифоқорлар йили-да" Қ. Маллаевнинг Екатеринбург шаҳрида ҳомийлик йўли билан кўз кўриши операция қилдириб, Вилоят ҳокимлиги вакили Э. Зубайдуллаев Маллаевнинг апрель ойи охирида бориб келиши учун асосий маблағ тайёр эканлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг вилоят бўлимига ҳомийлик қилишларини сўраб хат билан мурожаат этилганлиги ва айни пайтда унинг жавоби қўлаётганини маълум қилади. Қ. Маллаевнинг айни кундаги ҳақиқий аҳолини ҳис қилганини учун биз ҳам кунора вилоят ҳокимлигига, шахсан,

З. Мирзаевага қўнғироқ қилиб, у-ҳида унинг вакиллари билан учрашди турдик. Мутасаддиларнинг гапларига қараганда, Маллаевнинг Екатеринбургга бориб даволаниш сарф-ҳаражатлари аввал Наврўз телемарфонига келиб тушган маблағ, сўнгра қайсидир томондан йўғилладиган маблағлардан 4500 АҚШ доллари эмас, фақат операция учун 1900 АҚШ доллари ҳомийлик қилинса бўлди, таниши билан автобусда Ашхобод шаҳри орқали бориб келишини билдириб, вилоят ҳокимлигига яна мурожаат қилади. Ана шунга ҳам уч ой ўтди. Қайта мурожаатдан сўнг, аниқроғи июнь ойининг урталарида ҳокимлик мутасаддилари авиакомпанияга ҳам ва бошқа идоралар орқали ҳам маблағ топшишини имкони бўлмаганини баъбли, Қ. Маллаев ўзи яшаб турган маҳалла воситасида вилоят маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашига ёзма равишда мурожаат қилишини ва буни

ҳам ҳокимлик назоратга олишини билдиради... Мана орадан етти ой ўтапти ҳамки, Маллаевга ҳомий топилмапти. Қурбонали ақанинг оливарий аҳоли хийла ноҳур. У батамом кўр бўлиб қолганидан кўп ўтмай хотини вафот этди. Унда сал олдин онаси ҳам дунёдан ўтган. У 15 йилни дарманч қизи ва саксон йилдан ошган отаси билан биргаликда яшайди. Ногиронлиги учун 40 минг сўмдан зиёроқ нафақа олади. Унинг айни кунда Екатеринбургда даволаниши учун 2 минг АҚШ доллари ҳажмида маблағ зарур бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, муруватли ва баргирек инсон ҳамда ташкилотлар Қурбонали Маллаевга ёрдам қўлини чўшарлар ёмон бўлмасди. 2006 йил "Ҳомийлар ва шифоқорлар" йили эканлигини инобатга олиб, ҳомийлар албатта топилмади, Маллаевга ёрдам қўлини чўшдилар, деган умиддамиз. Ҳайдулла ХУЖАНИЕЗОВ, "Hurriyat" махсус муҳбири

Дараклар

ШОМИЛ БАСАЕВ ҲАМ ОШИРИЛДИ

Россия Федерал хавфсизлик хизмати раҳбари Николай Патрушев ашаддий террорчи ва кўпоруви деҳ қидирувга берилган чечен исёнкорлари раҳбари Шомил Басаев ўлдирилганини маълум қилди.



Ингуштонда душанба тунда ўтказилган махсус амалиётда Шомил Басаев ва бир қанча жангари йўқ қилинган. Бу ҳақда РФ Федерал хавфсизлик хизмати раҳбари Николай Патрушев президент Путинга ахборот берди.

«Басла ва қурбон бўлган бегуноҳ фарзандларимиз, Бүдённовск ва бошқа жойлардаги кўпорувиликларга жавобгар террорчилар устидан адолат тантанаси бу», деди президент. «Россия ва баъзи давлат махсус хизматларининг ҳамкорлиги натижасида қўли қонга боғлан террорчилар ва уларнинг раҳнамоси йўқ қилинди», деб қўшимча қилди журналистлар билан суҳбатда Патрушев. Учрашув чоғида Владимир Путин амалиётда фаол иштирок этган кишиларни давлат мукофотларига лойиқ дег баҳолаб, Патрушевга уларнинг рўйхатини тайёрлашни топширди.

Бундан аввал ҳам Шомил Басаевнинг ўлдирилганига оид хабарлар тарқалган, бироқ улар ўз тасдиқини топмаган эди. Россия ҳукумати чечен исёнкор раҳбари Шомил Басаевни Чеченстон ва қўшни минтақalarda мудоҳи кўпорувилик харақатларини амалга оширганликда айблаг келарди. Басаев 1995 йили Бүдённовск шаҳри касалхонасида юзлаб кишиларни гаровга олишда раҳбарлик қилган. Шунингдек, 2002 йилда қарий 130 инсоннинг ҳаётига зомин бўлган Москвадаги «Норд-Ост» театрида одамларни гаровга олиш ҳодисасида ҳам айбланади.

АСКАРЛАР СОНИ ОШИРИЛАДИ

Афғонистондаги вазият хусусида Буюк Британия мудофаа вазири Дес Брауннинг парламентдаги чиқишидан кейин депутатлар бу ердаги ҳарбийлар сонини яна тўққиз юз кишига оширишга розилик билдиришди. Шу тарихи октябр ойига қадар Афғонистондаги инглиз ҳарбийлари сонини тўрт ярим мингга еттилади.

Парламентчилар қўшимча кучлар таркибига 300 муҳандис, тиббиёт ходимлари, шунингдек, вертолёт ва ҳарбий техника қўшилишига розилик беришди. Мудофаа вазирига кўра британ қўшинлари Афғонистондаги кўкюр далагарини йўқ қилишга сафарбар этилади.

Тони Блэр ҳукумати муҳолифатда бўлган кучлар ҳам янги қарорни қўллаб-қувватлади. Либерал-демократлар етакчиси Мензес Кемпбелл ўз чиқишида: «Афсуски, бундан ўзга чорамиз йўқ. Британия қўшинлари олдида қўйилган вазифа уларнинг сонига мос келмаслиги аввалдан аён эди. Шу боис ҳато қилишга ҳақимиз йўқ. Мабодо чексанас, Афғонистондаги барқарорликка эришти, бунинг устига НАТОга бўлган ишончга путур етиши мумкин», — деган.

МОСКВАДА МУХОЛИФАТ ЙИГИНИ

Сешанба куни Россия пойтахтида муҳолифат етакчиларининг «Другая Россия» деб ном олган йиғини иш бошлади. Йиғинда 300 дан ортиқ муҳолифатчилар ҳамда чет элдан ташриқ бўлган меҳмонлар иштирок этмоқда.

Россиянинг собиқ бош вазири, Халқ демократик иттифоқи етакчиси Михаил Касьянов, Давлат Думаси депутатлари Владимир Рижков ва Сергей Глазьев, миллий большевиклар партияси етакчиси Эдуард Лимонов ҳамда «Трудовая Россия» партияси етакчиси Виктор Анпилов йиғин ишида иштирок этмоқда. Хабарларга қараганда, йиғинда иштирок этиш учун «катта саккизлик» давлатлари ташқи ишлар маҳамаларига ҳам таклифномалар юборилган. «АҚШ, Канада, Буюк Британия, Италия ва Германия йиғинда қатнашишга розилик билдирди. Хойнаҳой, Япония вакиллари ҳам келишса керак. Францияга таклифимизга жавоб бермади», — деб маълумот берди таниқли шахматчи, «Комитет-2008» муҳолифат харақати раҳбари Гарри Каспаров.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИНИНГ СИРИ

Кеча Иркутск аэропортида ҳалокатга учраган А-310 аэробуси бўйича очилган жиноят иши юзасидан яна 145 киши сўроқ қилинган. Иркутск вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Александр Семёнов 127 кишининг жасади бўйича суд-тиббиёт экспертизаси тайинланганини маълум қилган.

Шунингдек, самолёт йўловчиларининг яқин қариндошларидан генетик экспертиза ўтказиш учун қон олинган. Вилоят касалхоналаридаги 31 йўловчи жасадини қариндошлари таниган. Омон қолган 72 кишининг аҳолиси оғир. Кеча жабр кўрганлардан бири хушига келмай жон таслим қилган.

Эслатиб ўтамиз, 9 июль тонгида «Сибирь» авиакомпаниясининг Москвадан Иркутскка йўл олган Airbus 310 аэробуси Иркутск аэропортига қўнади. Аммо двигателлардан бирининг ишламай қолиши ва хозирча аниқланмаган яна бошқа сабабларга кўра самолёт қўниш йўлидан чиқиб кетиб, бетон девор тўрига тушиб, аэропортга ёндоқ гаражларга урилади. Ҳалокат оқибатида ёнгин чиқиб, аэробус буткул ёниб кетди.

Самолётда саккиз экипаж аъзоси ва 195 йўловчи бўлган. Хабарларда ҳозирга қадар 125 йўловчи қурбон бўлгани айтилмоқда. Авиаҳалокат тафсилотларини ўрганиш учун Россия транспорт вазири Игорь Левитин бошчилигида ҳукумат комиссияси тuzилган. Президент Владимир Путин ҳалокат бўлган ва жабр кўрганларнинг оиласига ҳамдардлик билдирди. Унинг фармойишига мувофиқ ҳалокат бўлган ва ярадорларга ёрдам кўрсатиш маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига юкланди. Ҳалокатга учраган самолёт «қора қутилари» ўрганиш учун Москвага келтирилган.



Самолёт ҳалокати

Темур АбЗАМ ўғли тайёрлади

Нигоҳ

Шимолий Корея бир сутка ичида фазога етти баллистик ракета учуриб дунёни ҳайрат ва ҳавотирга солиб қўйди. Ҳайрат боиси — гарчи бутун дунёда тартиб ўрнатиш дэво-сидаги давлатлар тиш-тирноғи билан қарши турса-да, китъалараро масофага учувчи ракета синиб кўрилади. Ҳавотир сабаби — ҳарбий ракеталар ўзини ядро қуролига эга бўлган давлат дея эълон қилган Корея Халқ Демократик Республикасига қарашли экани эди.

Гарчи синов муваффақиятсиз яқунлини, ракеталарнинг аксарияти қулаб тушган бўлса-да, Пхеньян ҳукуматининг халқаро ҳуқуқ мезъёрлари доирасидаги мажбуриятларини очик-ошкор ва намойишкорона бундан яна бир йиллик сиёсий можарони келтириб чиқарди.

Шимолий Корея:



дан-да хатарлироқ — ядро тадқиқотларига тайрилги хусусидаги миш-мишлар ҳам кўп бора тарқабди. 5 июль арафасида хатто ҳарбий парвозларнинг асосий нишонини бўлиши мумкин давлат — Жанубий Корея мудофаа вазири ҳам Шимолий Корея ҳозир ракетаси синовини амалга оширишга тайёр эмас деган хулосага келганди. Бироқ воқеалар мутлақо қутилмаган йўналишда ривожланди.

Ракеталар қаерга йўл олган?

Жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари маълумотларига қараганда, Шимолий Корея ҳукумати 6 та ўрта ва яқин масофага учувчи ҳамда битта китъалараро «Таэподоң-2» ракета парвозини амалга оширган. Ҳарбий ракеталарнинг барчаси мамлакатнинг шимолий-шарқида жойлашган Мусудан базасидан учурилган.

Япония ва АҚШ махсус хизматларининг сўнгги маълумотларига қараганда, «Таэподоң-2» китъалараро ракетаси Гавайи ороллари томон йўл олган. Бироқ Шимолий Кореянинг «Кунгунг ифтихори» дея баҳоланадиган ҳарбий техника самодаси бор-йўли 40 сония бўлди ва Япон денгизи яқинига қулаб тушди.

Жанубий Корея разведкаси хулосасига кўра, ракеталар Россия ҳудудига, аниқроғи, Федерациянинг Находка шаҳри яқинига келиб тушган. Бироқ бу маълумотларни Москва томони тасдиқламаган.

Дипломатик мулоқот фойда бермади


Аслида Шимолий Корея ракета синовларига ҳозирлик кўраётгани хусусидаги дастлабки маълумотлар ўтган ойда Жанубий Кореянинг етакчи газеталарида эълон қилинган эди. Бу маълумотлар дунёнинг нуфузли давлатлари томонидан ҳавотир билан қабул қилинди. Россия ҳукумати Шимолий Кореянинг Москвадаги элчисини зудлик билан ташқи ишлар вазирлигига чақирди. Элчига дипломатик усуллар билан минтақада нотинчлик уйғотадиган ва музокараларга салбий таъсир этадиган хатти-ҳаракатлардан сақланиш зарурлиги уқтирилди.

Ноҳуш овоза тарқалиши билан АҚШ ҳукумати вакили Пхеньян ҳарбий синовлар ўтказадиган бўлса, бу мамлакат учун ёмон оқибатларга олиб келишини очик маълум қилди. Тўғриси, етакчи давлатлар ракета синов борадида Шимолий Кореяни огоҳлантирган бўлсаларда, кўпчилик овозларини асоссиз ва уйдирма деб ўйлаётгани. Чунки Ким Чен Ир бошчилигидаги Шимолий Корея ракета парвози

Шимолий Корея «ифтихори»

Пхеньян ҳукумати Жанубий Корея, Япония, хусусан, АҚШ билан келишмовчилик ва ихтилофлар юзга келгандан кейин олимларга ҳарбий техника имкониятларини янада кучайтириш талабини қўйди. 1990-йилларга келиб, Ким Чен Ир ҳукумати «Таэподоң-2» ракетаси яратилганини эълон қилди. Баллистик ракетанинг сўнгги авлодидан бўлган «Таэподоң-2»

ларли зарар ҳам етмайди. Ким Чен Ир давлатининг яна



РАКЕТА ПАРВОЗИ ОРТИДАГИ ТАҲДИД

бир қўшини Япония томони ракета парвозларини кескин норозилик билан қабул қилди: Шимолий Корея билан «Кунгунг юрт» ни боғловчи барча йўллар ярим йилга ёпиб қўйилди. Боз устига, Токио ҳукумати анчадан буюн АҚШ билан ҳамкорликда ракета ҳужумидан мудофаа тизимини яратиш борасида олиб бораётган музокараларни тезлаштиришга киришди. Асли Япония ҳукумати Иккинчи жаҳон урушидан буюн қуролланишга иккинчи даражали масала сифатида қараб келаётганди. Қўшни давлатдаги ҳарбий синовлар милитаризм (қуролланиш) га тиш-тирноғи билан қарши мамлакатни ҳам ўз сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди...

Америка мудофаа ташкилотлари мамлакатда ракета ҳужумидан ҳимоя тизими жанговар шай ҳолатда келтирилганини билдиришса-да, Шимолий Корея «Таэподоң-2» ни учираётгани тўғрисидаги овозлар ҳукумат доираларида ҳавотир уйғотгани табиий. Чунки Корея Халқ Демократик Республикаси «дохий»си Ким Чен Ир 2002 йилдаёқ БМТнинг ҳарбий ноziрларини мамлакатидан ҳайдаб чиқарган ва мамлакатда ҳарбий соҳа олиб борилаётган тадқиқотлар хатто Марказий разведка бошқармасига ҳам тўлалигича маълум эмас. Хуллас, ёпиқ ва сир-синаотларга тўла бўлиб қолаётган Шимолий Кореяда китъалараро парвознинг амалга оширилгани дунёни ахлини яна бир бор журак ҳовулашга мажбур қилди.

«Дохий» ҳар доимгидай хотиржам

Жаҳон давлатлари томонидан 1997 йилги очарчилик даврида 2 миллион кишининг қирилиб кетиши ва яна бир қатор жиддий жиноятларга аса айланаётган Пхеньян ҳукумати аса хотиржамлик билан халқаро доиралар муносабатини кузатмоқда. Корея Халқ Демократик Республикасининг БМТдаги вакили сузиға кўра, Пхеньян ракета парвозларини тўхтатиш бўлса-да АҚШ билан музокара олиб боришга тайёр. Бунинг учун эса энг аввал Оқ уй томонидан жорий этилган иктисодий санкциялар бекор этилиши зарур.

Вашингтон томонининг фикри ҳам кескин ва мурасасиз. АҚШ Пхеньян ракеталар парвозидан тўла воқеага қадар у билан музокаралар олиб бормади. Шимолий Корея «дохий»си Ким Чен Ирнинг хотиржамлиги шу даражадаки, бутун дунё ракета синовлари ва унинг ортидаги таҳдид эҳтимолини ҳавотир билан муҳокама қилиб турган бир пайтда «милат отаси» муваффақиятли парвоз» учун учувчиларни қизгин муоборақод этди. Хуллас, Халқ Республикаси раҳбари одатига содиқ ҳолда, оғир вазиятдан баланд парвоз қақирғу оташин хитоблар билан чиқиш йўлини танлади.

Пхеньян қандай жазога лойиқ?

АҚШ, Буюк Британия ва Япония Пхеньяннинг бу ўзбошимчаллигини зудлик билан жазоланг истагани. Мазкур уч давлат БМТга Шимолий Кореяга иктисодий жазо чораларини қўлловчи резолюция лойиҳасини такдим этган. Россия Ким Чен Ир ҳукуматининг бу қилигидан хурсанд эмас, бироқ Кремль Шимолий Кореяга иктисодий санкция жорий этилишини ҳам хохламади.

Жанубий Корея эса ҳар қанча ўзбалиронлик қилган бўлса-да, Шимолий Кореяга иктисодий жазо чораси қўлашга қарши. Сеул расмийлари фикрича, жазо чорасининг қўлланиши фақат оддий кодекс халқига жабр келтиради, ракета синовларини амалга оширганлар ва унга буйруқ берганларга эса халқаро санкциялардан сези-

Р.С. Дунёнинг етакчи ахборот агентликларидан бири «Ассошиэтед пресс»га кўра, Шимолий Корея яқин кунларда яна 3-4 та узоқ радиусли ракета парвозини амалга оширишга ҳозирлик кўраётган. Ким Чен Ир маъмуриятининг бу борадаги сўнгги хулосаси ҳам тахлиз: ракета синовни ўтказиш Шимолий Кореянинг суверен ва дахлсиз ҳуқуқи...

Робита

КОРЕЯ МАЪРИФАТ МАСКАНИГА МАРҲАБО!

Бугун ўзбек-корей ҳамкорлиқлари янада ривожланмоқда. Корейча чоп этиладиган турли журналлар эса Корей маданияти ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишимиз учун самарали ахборот манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, газетамиз бир неча йиллардан бери оладиган «Korea» журнали бунга мисол бўлади. Шу пайтгача мазкур журналнинг инглиз тилида чиққан нусхаларини олардик. Яқиндан журнал рус тилида ҳам чоп этила бошлади. «Korea» Корей Фондининг махсус журнали бўлиб, бир йилда тўрт марта инглиз, хитой, испан, рус тилларида нашрдан чиқади. Унда кўпроқ Корей санъати, адабиёти, табии ва корейлар ҳаёт тарзи ҳақида маълумот берадиган мақолалар чоп этилади.

Корей Фонди «Korea Focus», «Korean Cultural Heritage» каби ойлик журналлар ҳам чоп этиб, уларда барча ижтимоий-сиёсий янгиликлардан хабар берилади. Корей маданиятини кўпроқ фотосуратлар билан акс эттирилади. Бундан ташқари фонд турли китоблар ва хорижийларга мулжалланган библиотекани ҳам нашрдан чиқармоқда.

Корей Фонди 1991 йил ташкил топган. У олдига корей тилини ўрганиш учун имконият эшикларини очиб ва Корей маданияти ҳақида маълумот олишга ёрдам бериши мақсад қилиб қўйди. Фонд муваффақият қилиб, Ташқи Ишлар Вазирлиги руҳини билан ташкил этилган. Фаолиятининг илк даврлариданоқ Сеулдаги дипломатик консул билан алоқа ўрнатган. Япония, АҚШ, Хитой, Россия, Франция каби кўплаб давлатларнинг билым юртлиари билан ҳамкорлик қилади. Жумладан, Германия билан қалби бустлик муносабатлар йўлга қўйилган.

Корей Фонди ҳар йили икки марта имтиҳон ўтказида. Қабул май ойидан августга қадар давом этиб, унда дунёдаги барча корей тилини ўрганувчи талаба ва ўқувчилар иштирок этишлари мумкин. Имтиҳонлар турли йўналишда ва шунингдек, эрантлар ҳам турли ҳилдор. Улар Корей университет ва институтларида тахсил олиш, корей тилини ўргатадиган махсус курсларга аъзо бўлиш, Корей сафари учун бериладиган эрантларни ўз ичига олади. Тахсил масаласида Фонд тўла қарбонал беради ва бунинг учун олодидан Сеул Миллий университети ва Йонсул университети билан шартнома тuzилган. Хорижий талабаларни ўқув дароғи билан таништириш ва уларга ёрдам бериш вазифаси эса Корейдаги университет ташкилотларига юклатилган. Грант соҳиб бўлган талабалар кутубхона, интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан эмин-эркин фойдаланадилар.

Тахсилдан ташқари йўналишдаги грант орқали таширф буорганлар учун Корей тарихи ва маданиятини ўрганиш қўла келади. Улар хоҳишларига кўра махсус бирашмиш икки корей оиласига жоилаштирилади. Меҳмонлар Корейни бичара ҳудудларидади диққатга сазовор жоиларни кузатиш имкониятига эга. Шароитча қараб ши билан таъминланишлари ҳам мумкин. Бундан ташқари, улар фақат саёҳат билан чекланиб қолмасдан, ўқув системаси билан танишишлари ҳам мумкин, яъни университет дарсларида кузатувчи сифатида қатнашишга ҳақли.

Шунингдек, фонд имтиҳонларида ўқувчиларнинг ҳам маълум фоизи иштирок эта оладилар. Уларга мулжалланган грант талим бериш методикаси, кўпчи эса икки ҳафталик Корей сафари йўналишларида бўлади.


Икитдорли ешарга билан улашаётган бир қанча университетларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Тзсу университетида жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган 400 нафар талаба тахсил олади. Улар ойлик стипендия, етхона ва яна бир қанча шароитлар билан таъминланган.

Корейнинг билимлар шаҳри бўлиши Дэ Джонада Пэ Дже университетида ҳам кўплаб хорижий талабалар ўқийди. Мазкур университетда магистратура ва ундан юқори босқичларда ҳам тахсил олиш мумкин. Талабалар сафиса қабул қилиниш учун TOEFL программасидан тест топшириш керак. Корей тилини ўрганиш талабалар ва магистратура ёки аспирантура босқичларида ўқиниш билан улар TOEFL тестисини қабул қилинади.

Яна бир ўқув маскани — Корей Тилишунослик Институтини ҳам хорижий талабаларнинг қўлини билан махшур. Унга ҳар ўқув йилида 124 та мамлакатдан келган 1500 га яқин талаба қабул қилинади.


Бугунги кун ёшлари учун жаҳон тавлим стандартлари бўйича тахсил олишининг янги имкониятлари туғилмоқда. Корей Фонди ҳам шундай имкониятлар намунаси. Ундан тўғри ва самарали фойдалана олиш талаби илмининг асосий вазифаларидан биридир. Зеро, фан-техника илтироғи барбориди ҳақининг билми савияси ҳам давлат ривожини учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Дурдона АЛИМОВА



СУВ ТАНҚИСЛИГИ — ГЛОБАЛ МУАММО

Су в танқислиги жаҳонда глобал муаммога айланб борар экан, сувдан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Тежамкорлик борасида халққа тушунтириш ишларини олиб боришда «Зарафшон дарёси сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш» нодавлат нотижорат ташкилотининг хизмати муҳим аҳамият касб этмоқда.



Агар мамлакатда истеъмол қилинадиган сув захираси йил давомида бир кишига 1700 куб метрдан ошса, сув танқислиги мавжуд эмас деб ҳисобланади. Жон бошига истеъмол миқдори 1000 куб метрдан ортиқ, 1700 куб метрдан кам бўлса, сув танқислиги ўрта даражада ҳамда бунинг тузатиш имкони мавжуд бўлади. Демак, жон бошига бир йилда сарф қилинаётган сув 1000 куб метрдан кам бўлса, сув танқислиги юқори даражада бўлиб, бу салбий ҳолатни вужудга келтиради. Вақт ўтиши билан тоза ичимлик суви муаммоси умумжаҳон муаммосига айланиб бораверади. Ушбу мезонлар асосида Али Шоди ва унинг сафдошлари жаҳон мамлакатларининг сув таъминотини босқичларга бўлиб қандай натижалар келиб чиқишини ўрганиш қилди.

ННТ 2005 йил апрель ойида ташкил этилган бўлиб, Самарқанд вилоят адлия бошқармасида руйхатдан ўтган. Ташкилот тuzилганига андиғина бир йилдан ошган бўлса ҳам қисқа муддат ичида анчагина ишларни амалга оширишга улгурган. 10 нафар мутахассисдан иборат бўлган нодавлат жамоат ташкилоти аҳоли ўртасида тадбирлар, учрашувлар ташкил этиб келмоқда. Нодавлат муассаса аҳолининг сувга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, ундан умумли фойдаланиш ва ҳар бир томчисини эъзолаштириш тизимини бичринчи навбатда ёш авлодга сингдиришнинг бош вазифаси деб билиди. ННТ Жаҳон банкининг грант танловида қатнашиб, ўз дастури бўйича қатор ишларни амалга оширди, халқаро ва Республикада семинарларни иштирок этди. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Япония ташқи ишлар вазирлиги грантлар танловида қатнашиш учун ҳужжатлар тайёрламоқда.

Биз билан суҳбатда «Зарафшон дарёси сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш» ташкилотини раҳбари, мутахассис Мансур АБДУРАЙМОВ сув танқислиги муаммоси миллий ва халқаро микёсда қай даражада экани хусусида сўзлаб берди:

— Тарихга айланган XX аср янги кашфиёт, иختиролар, фан-техника ютуқлари билан бирга талайгина қийинчиликларни қолдириб кетди. Шулардан бири тоза сув муаммосидир. Бугун сув муҳозафаси камайиб кетиши ва ифлосланиши асосий муаммога айланиб бормоқда. Бу эса қарий жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатини аҳолисини тоза ичимлик суви, озиқ-овқат, уй-жой билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қўрсатиб ўтилган муаммолар руйхатининг бош қисмида Африка ва Осиё қитъаси мамлакатлари турибди. Агар бутун ер юзи сувини футбол тўпидек деб олсак, барча тоза сув захираси кичик бир лимон донаси шаклида бўлади. Бутун сайёранимиз дарёларидан бир йилда келадиган сув миқдори уша лимон олдига бир томчи сувга тенг бўлади. Чучук сув муаммосини аниқроқ ва кенг-кўр доирада тасаввур қилиш учун 1996-1999 йилларда Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси президенти бўлган канадалик олим Али Шоди кўрсаткичларидан фойдаланамиз.

рени кўрсатиши мумкин. Бизингча, сув таъминотининг кескин камайиб кетиши олдинчи олиш борасида бош қотирмоқ керакка ўхшайди.

Дарё сувларининг камайиши ҳамда сувдан ноқилона фойдаланиш, хусусан, тоза ичимлик сувини экинларни суғоришда ва машина ювишга фойдаланиш, сув кўрувларининг ёрилиши оқибатида оби ҳаётнинг қўчларига оқиб етиши каби ҳолатлар кишида ташвиш ва ҳавотир уйғотади.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда киши бошига фойдаланиладиган сув миқдори Самарқанд ва Навоий вилоятларида 1400-1500 куб метрға тўғри келмоқда. Қайд қилиб ўтилган сабаблар айрим вилоятларда сув таъминотида қийинчиликларни юзгага келтирмоқда. Масалан, Самарқанд вилояти, айниқса, Самарқанд шаҳрида тоза ичимлик суви ва коммунал сув таъминотида узиллиши ва чеклашлар мавжуд. Сув танқислиги билан бир йўла сув манбаларининг ифлосланиши ҳолатининг кучайиб бораётгани инсониятнинг антропоген фаолияти кучайиши натижасида вужудга келмоқда. Мамлакатда аҳоли сонини ўсар экан, кундан-кунга қўшимча сувга бўлган талаб ҳам ортаверади. Бунинг ўзбекистон мисолида кўриб чиқсак. Бугун республикада аҳолиси 25 млн. киши атрофида. 2025 йилга бориб, бу кўрсаткич камида 35 млн. кишига етати. Бошқача қилиб айтганда, қўшимча 10 млн. кишини озиқ-овқат, уй-жой ва иш билан таъминлаш талаб қилинади. Ҳар бир кишининг истеъмол миқдорини нормадаги 3000 калга етказишда қўшимча сувга бўлган талаб 11,2 млрд куб метрни ташкил қилади.

Бунинг Самарқанд мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят аҳолиси 2025 йилга келиб 4 млн. кишига етиши, яъни ҳозиргидан 1,1 млн. кишига ортиши кўтилмоқда. Бунинг кунда ягона сув манбаи бўлган Зарафшон дарёси ресурсларидан тўла фойдаланилганлиги. Бошқа сув манбаларининг йўқлиги сабабли сувга бўлган эҳтиёж фақатгина сувдан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш орқали оширилиши шарт. Ушбу тадбирлар фақат хонадонларда эмас, балки халқ ҳужалигининг барча соҳаларида, бичринчи навбатда суғориладиган майдонларда жорий қилиниши лозим. Бу жараёнда эса аввало инсон омили асосий ўрин тутати. Демак, бичринчи гайда аҳолининг сувга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириб, юртдошларимизни ундан умумли фойдаланиш ва ҳар бир томчисини қадрлашга ўргатиш лозим.

Илҳом ЖўРАЕВ

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидининг маддий ва техникавий кўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Фуқаролик жамиятини шакллантириш, яхши ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни».

Йўқлов

Доно ҳақим айтади: Ҳаёт чаманзорга ўхшайди, чамандаги сарагул — нафосати, хушбўй ёки шиғабасхилиги билан ёдда қолганидек, яхши одамлар ҳам илму иқболли, хунару аълоли фазлу камолли билан қалбларни сеҳрлаб, номини дилларга муҳраб кетади.

Ҳақ гап! Яхши одамлар, гарчанд ўзлари жисман орамида йўқ бўлсалар ҳам, солиҳ ишлари ва ибратли хислат-фазилатлари билан тирикларнинг ҳаётида кўмақдош бўлиб яшайдилар. Шундай алломаларимиз қаторида марҳум Карим Маҳмудов ҳам иккинчи умрини кеҳираётганига шохидимиз.

Карим Маҳмудов руҳиятида энг олий фазилат — одамийлик зийнат бўлиб, қалби биллурдек соф, самийи инсон эди. У тўғри сўз бўлиб, ҳалоллик ва ҳақуйлики севадди.

У ота-онасидан жуда ёшлигида етим қолди. Андижондаги болалар уйида тарбияланди. Уша пайтда қирқ йил ошпазлик қилган Мамаатон Соқиевга шогирд тушди. Унинг хунарини севиб ўрганди, устоз деб билди. Кейинчалик "Ўзбек таомларига ишлатиладиган мева ва сабзавотлар" номли китобини ҳам ана шу устози хотирасига бағишлади.

Карим Маҳмудов Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини битириб, фалсафа бўйича илмий иш эди ва фан номзоди бўлди. Илмида устозлик шарафига ҳам эга бўлди. Қирқ йилга яқин Тошкент университетидеги талабаларга тахсил берди.

"Мен фалсафа қатори қадимий осори-атикаларимиз билан ҳам қизиқардим, — деб ёзган эди олим ўз таржума хотида. — Мана шу ҳавас мени халқимизнинг бой урф-одатларини, айниқса меҳмоннаволикдаги гузал анъана-фазилатларини ўрганишга ундади."

Карим Маҳмудов она диёрини кезиб, минглаб одамлар билан мулоқотда бўлди. Гоҳ кўриб, гоҳ эшитиб турли расми-русумларимизни, пазандалик санъатини сирларини ўрганди. Натигада 500 хил овқат, паловнинг 50 дан ортиқ тайёрлаш услубини аниқлади.

"Овқат тавсиясини ёзиш қийин, — деб қайд этганди олим. — Бунда асосан амалий тахриб керак, яъни тав-

сия этилган овқат пишириб тайёрлаб кўрилади. Сўзлар ва йўл-йўриқлар лунда, тушунарли, аниқ бўлиши шарт". Бир кун олим балиқдан таом тайёрлаш тавсиясини ёзди-да, Зуко Абдулла Каҳҳорга кўрсатади. Ўзунга "Балиқнинг туҳуми" иборасидаги "туҳум" деган сўзи ёқмайди. "Балиқ қуш эмас" дейди. Карим Маҳмудов "Балиқ-

ҲАМ ПАЗАНДА, ОЛИМ

ёхуд Карим Маҳмудов қиёфасига чизгилар

нинг уруғи" деб ўзгартиради. Абдулла Каҳҳорга бу ҳам маъқул бўлмади: "Балиқ ўсимлик эмас, яхшиси уруғи сўзини шевалардан қидиринг", деб маслаҳат беради. Нихоят Карим ака излаб-излаб хоразмча "улдуруғ" сўзини топади ва бу ёзувчиға маъқул тушади: "Ана бу сўз узукка кўз қўйгандек бўлибди", дейди Абдулла Каҳҳор.

"Балиқ улдуруғи" — биргина сўз билан овқат тавсияси чиройли маъно олади.

У 500 хил овқатнинг тавсиясини шу тарзда меҳнат-машаққат билан узок йиллар тўплаб, китоб тайёрлади. Илмида устозлик шарафига ҳам эга бўлди. Қирқ йилга яқин Тошкент университетидеги талабаларга тахсил берди.

Одатда қабих қимсалар одамларга ғайрилик билан қушанда бўладилар. Яхшилар эса ҳусни ниъатлари билан камоли бандлигидан фиксу фасодага ва ёмонларга қарши курашишга вақтлари ҳам бўлмади.

Бундан фойдаланган ахлаб бандлар, минг афсусдан, ҳақ йўлида қарор топгунча яхшиларнинг асабини емириб, юракларига захарли ханжарни уриб улгурадилар.

Карим Маҳмудов ҳаётида ҳам шундай бўлди. Ўзимизнинг орамиздан чиққан фитначи "олим"чалар қизил салтанатнинг ўша даврдаги мафкура бўйича қотиби Сулғовга Карим Маҳмудов ўзи фойласуф бўла туриб ошпазлик билан шуғулланайти, деган мазмунда "думалоқ хат" жўнатилди. "Кабинет усули"да ишлайдиган мафкура қотиби бе-

фарқлик қилиб, ҳақиқатни англамай иғвономага асосланиб ўз маърузасида Карим Маҳмудовнинг номини бадном этди. Меҳнатқаш мушқоқ олим бу қаттиқ маънавий зарбдан юрак хасталиги ва оғир қон босими касаллигига чалинди. Худди шу пайтда, ўлганнинг устига чиқиб тепгандек, Москвага сажда қилиб, амал курсисидега ўтирган лаганбардорлар ким ҳақ-ноҳақиқини ҳам суриштирмай Карим Маҳмудовни дорулфунун ўқитувчилigidан ҳайдашга чоғландилар. Лекин...

Яхшиям, ҳаётда одил инсонлар бор. Воқеадан хабар тогган Шароф Рашидов фалокатнинг олдини олгани учун адолат юзага чиқди.

Аслида Карим Маҳмудов фалсафада оид 3 рисола, 30 дан ортиқ илмий-оммабон мақола ёзган, дарсликлар яратишда қатнашган, фалсафа китобларига муҳаррирлик қилган, шогирдларининг илмий ишларига кўмаклашган эди. Ахир бир олим шунчалик ишлар-да!

Карим Маҳмудов бой меросимиз тарихидан яна кўплаг китоблар ва мақолалар ёзиб халқ олимига айланди. Унинг барча ижоди маънавий гузаллик гултоғи эди. Зеро, инсоннинг сирҳат-саломатлигига, ширин ҳаёт кеҳиришига, одамийлигига зийнат бағишлайдиган меҳмондўстлик ва пазандалик каби ўнлаб удум-анъаналаримизда фалсафа йўқми? Меҳмоннаволикда юксак одоб-ахлоқ бўлиш ва аjoyиб пазандалик санъатини намо-

ён этиш ҳам халқимизнинг ҳаёт фалсафаси эмасми?! Китобий гализ маърузалари ва ҳар-хил мураккаб қолиплару, қонун-қоидаларига солинган қуруқ олди-қочди, чалқаш ва оддий халқ тушунайдиган сохта фалсафадан



халқнинг дилига яқин, ҳаёт кеҳиришига муҳим омил бўладиган, оддий қилиб айтганда, одамлар кунига ярайдиган амалий тавсиялар фалсафа эмасми?!

Карим Маҳмудов халқимизнинг қадим бебаҳо меросидан руҳлиниб, меҳмондўстлик ва пазандалик одоби тарихидан биринчи бўлиб асар яратди. Олимнинг "Ўзбек таомлари", "Турмуш зийнати", "Очил дастурхон", "Ўзбек паловлари", "Тансиқ таомлар", "Қизиқарли пазандалик", "Меҳмоннома", "Чойнома" каби 20 дан ортиқ асарлари халқимизнинг бойлиги бўлиб қолди. Ҳар бир хонадон, ҳар бир ўзбек Карим Маҳмудов китобларига муҳожат қилади. Бу — иходкор учун катта бахт! Олимнинг асарлари яна бир неча хорижий мамлакатларда турли тилларда чоп этилди.

Файласуф Карим Маҳмудов иқтидорли бўлгани учун ҳам турли соҳаларда қалам тебратди. Бунга ҳасад эмас, ҳавас билан қараш керак. Қувваихофизаси кенг олим сифатида у тарихни, элшунослиқни, тилшунослиқни, журналистикани, ҳаёт фалсафасини яхши биларди. Иморат қуришда моҳир уста, мусаовир, дурадгор, нознеъматлардан таом тайёрлашда ўткир пазанда, халқ анъана-одатларини билишда қомусий олим эди.

"Уйимдаги кичкинагина лаборатория — ошхонада ҳамма ишларимда ҳамкор — ёрдамчим, меҳрибон умр йўлдошим, асли касби ҳуқуқшунос Хикматон Исмоилова билан кўп тажрибалир ўқазиб 40 дан ортиқ овқат яратганман", деган эди олим бир сўхбатда.

Хикматон ая Карим Маҳмудовга оқила умр йўлдош бўлди, олим туну кун тиним билмай ижод қилганда, тўхматларга учраб изтироб чекканда, оғир дардга чалиниб ётиб қолганда бирдай ҳамқори, ёнида ҳасратқаш бўлди. Олимнинг энг сўнгги "Меҳмоннома" китоби ёруғ оламини кўришида ҳам ая катта жонбозлик кўрсатди.

Ҳаётнинг қонунлари шифатсиз экан, Карим Маҳмудов бугун орамизда йўқ. Ундан ўйил-қизилари, набиралари, халқ севиб мутлоба қилаётган китоблари ёддор бўлиб қолди. Айниқса, шох асарини "Меҳмоннома" ноёб эсдаликдир.

Зўкко олим Карим Маҳмудов бизга мерос қолдирган асарларида инсонни улғулайди, халқимизнинг гузал фазилатларини ўнлаб мамлакатларга танитиб, тараннум этди.

Халқимизга бебаҳо хизмат қилган камтарин, айна пайтда машҳур олимимиз ҳаёт чоғида қадр топмади, қизил салтанат мафкураси унинг халқона ижодини ҳаққоний тақдирламади. Бирорт мукофот ҳам, унво ҳам бермади. Энди давлатимиз мустақил бўлди. Ҳақ жойига қарор топса, Карим Маҳмудовнинг руҳини шод этиш учун унинг танланган асарларини нашрга тайёрлаш, мукофотлаш ва шахримиздаги кўчалардан бирини унинг номи билан атаб, бирор пазандалик ўқув юртига унинг номи берилса саваб иш бўлур эди.


Меҳронбобо — Билал АМИНОВ, элшунос олим. Суратлар муаллиф архивидан олинди

Танишув

Ўзганин уйида порлаган ифроқ...

ТЎХТАНГ!

Мен ҳеч кимни кутаётганим йўқ.



Ташқари Қор ҳидини Ҳидлаган Қаргалар Сукунатдан кўркиб, Мум тишлаган. Телефон —

Ҳеч кимни кутаётгани йўқ. Деворнинг салобати босган диван, Устида қунишиб ўтирган аёл! Ёлғиз аёл — Ҳеч кимни кутгани йўқ, Эшиқнинг устиди. Улик кўнғирок... соқов телефон... Йилқоқ дераза... Ҳеч ким қутилмаган жой.

Сени ким қаердан ўйлаб чиқарди, Нури эълонингга ким қўйди тузоқ? Ким сени қачондан ҳавас қилганди, Ўзганин уйида порлаган чироқ.

Чироқ! Чирогим, — деб айтишга йўқ ҳади... Дунёнинг ярми жұфт, ярми эса тоқ, Нурининг кўрмаган маъқул эди-да, Ўзганин уйида порлаган чироқ.

Парвона, парвона — куйиб қолган қуши, Куйган яраларини даволаш узоқ. Куйинма, севинома, ахир топганинг Ўзганин уйида порлаган чироқ.

ОНАМГА

Юрагимда уриб турган Томирисиз, онажон. Қабристонга ёғиб ўтган Емгиримсиз, онажон. "Онажон!" — деб оҳ урган Ер қолди, тўпроқ қолди, Осмонларда юлдуз бўлиб, Милтирарин, онажон. Ай, дунё-ё, куйиб бизни Чарчаганимиз, онам? Сўнгги манзилни ноҳор, Танлаганимиз, онам? Айтилмаган сўзлар қолар, Армонларга айлилар. Йиллаб, йиллаб армонларга, Айлиниб кетган, онам.

КАСКАДЁРЛАРГА

Не-не биз хуш кўрган актёр шухратин Келтирган қалпоқнинг остидаги дўст. Биз севган, сифинган актёр қилмаган, Қилолмаган ишни қилган бекам-қўст.

Ўлимлар сиртмоғи тағида ўйнаб, Жаноблар! Бу ахир телбалик, қаран! Кино юлдустлари шухратин сочиб, Каскадёр ўлаётир, қийналиб... аранг.

Балад тоғ устидан иргши керакми? Ё довул домида ногора чалмоқ. Уз қонин ичмаган юрак, юракми? Керакми, ёнғицдан ёнганча чиқмоқ?

Тилангиз, айтингиз, бажарар зумда. Ўзгалар бахтига у номсиз ҳамроқ. Унинг бахтиёрлиги ёзилган қумда, Бугун бор: олқишлар, эртага оҳ-воҳ.

Умидлар саросар йўлларда сарсон, Яшамоқ учун ҳам мард бўлмоқ керак, Жаноблар, инсоннинг ҳаёти арзон, Асли ўлим ўзи қилмалар керак?

БЮРОКРАТГА

(Ҳазил йўлида) Ўтирибди бошин ушлаб: "Менга оғир, кўринг, одамлар!" Баъзида гоҳ ўйлаган бўлиб, Хона бўйлаб аста қадамлар.

Сўнг чўкади жойига оғир, Узин сохта гапларидан маст. Стул гижирлаб қолгани сезин: "Бу дунёда номийа оғирмас?"

Соҳиба ЖАҲОНОВА

"ҚАЙДАСАН, АЗИЗИМ, ҚАРО КЎЗЛИГИМ"

У ўша йили тутган кундалигини қуйидаги умид ва ишонч сўзлари билан яқунлади: "Уч йиллик оғир хасталик ва сукут... Улқани тинимсиз машқ қилдиришнинг керак. Мен эстрадага қайтишим керак! Шарт! Шарт! Мен қайтаман! Ҳаёт... Унинг ҳар лаҳзаси қаҳрабодек гузал... Жудам қўшиқ айтгим келаяти...". Ботир жони-жаҳони бўлган қўшиқчи соғинган эди. Қўшиққа бўлган буюк соғинч туйғуси бу гал ҳам жарроқ қўлидан уни омон-эсон олиб чиқди. Ҳатто профессор Лев Кома-стантиничев Боғуш: "Мен бу дилбар ўзбек йигитининг ҳаётдан кўз юмишини асло тасаввур қила олмаيمان. Уни операцияга тайёрланглар. У жонини Худога эмас, менга, Боғушга топшира қолсин!", деган эди бироз умидсизликка тушиб. Гарчи, профессор фамилиясининг Худога уйкашлигини сўз уйини қилётган бўлса-да, беморнинг операциядан тирик чиқшига аниқ қафолот бера олмади.

Ашурали ЖЎРАЕВ

ЎЗБЕК ОТЕЛЛОСИ — Биласизми, йигит, — дея мувожабат қилди Аббор ака менга, — Отелло асло кеҳири бўлма маъқул. Дедамондан ҳақ шифога қасос олишга аҳд қилган-у, аммо унинг онгиде қотил билан буюк шайтан соҳибининг ўта мураккаб жанги борди. Акс ҳолда Дедамона ҳаётига бургутдек човит солишга тайёр турган Отелло ундан: "Тунги ибодатни қилганимизми?" деб сурашини қандай тушуниш керак. Тўшада осуда улаётган Дедамонани терслик билан ўқушим бузиш, шу соволни бераману бутун ўқушим бўлашиб кетади. Аммо бир неча лаҳзадан сўнг бир амаллаб ўзимни кўлга олиб, сахнадаги ижрочилик вазирамни баҳара оладиган ҳолатга келаман.

Шариф ЮСУПОВ, профессор Дилшода ҲАМДАМОВА тайёрлади

Мутолаа

МЕН ҲОТАМТОЙ ЭМАСМАН



Яқинда Нурмаат АЛМУРОДОВ "ОРЗУ-АРМОҲЛАР ёхуд ҳали машҳурлик насиб этмаган бир журналист-ёзувчининг ўз суратларига ёзган тагсўзлари" номли асарини ёзиб тугатди. Қуйида муаллифнинг ушбу ноънавий усулда яратган асаридан парча ўқийсиз.

Яқинда бир журналист-ёзувчининг янги китобини варақлаб, рангли суратларига қойил қолдим. Қара, доврақалигига! Бирини Шер билан кучоқлашган, иккинчисидега Арслон билан ачомлашган, учинчисидега Бўри билан қўл ушлашиб турган...

Тўғриси айтсам, унча-мунча одам унинг яқинига йўлай олмади. Яна казо-казолар билан тушганини айтгин! Сен билан менга, кўнгли учун, бир оғиз гап айтишга жой ҳам қолмаган.

Мен ҳам бир кун китоб ёзсам керак бўлиб қолар, деб дарҳол «SHADISO»га бориб суратга тушдим. Бир зумда суратим тайёр бўлди. Мана, бир ўзим сўплайиб турибман. Ишонмасанг, кўзингни катта очиб қара. Ёнимда зор ҳам йўқ. Мабодо келажакда мени эслаб, китобимни кўлга олсанг, унда сенга атаб битган дил розим кўп, азизим.

Ушбу суратимга хоҳлаганча меҳрингни бериб қара. Хоҳлаганча қаҳрингни сочиб қара. Меҳрингни ҳам, қаҳрингни ҳам ҳеч кимга ше-рик қилмасман. Агар билсанг, мен хотамтой эмасман.

БЎЙДОКЛИК САЛТАНАТИДА

Мен ҳеч қачон осмондаги ойни кўзламаганим. Тўғри келганда шохнинг қизига ҳам, гадонинг қизига ҳам уйлана олмадим. Момосининг ўноғига Фўбдин тоғида товонлари тарс ёрилиб, ялангоёқ ўтин териб юрган қора ширғай бир қизни ҳаёлан Махжундек сеवार эдим. Еру қўқдан ахтариб, уни топа олмадим. Нима қилай? Осмон йилқоқ, ер қаттиқ. Елкамга бўйдоқлик тўнини ташлаб юравердим. Йўл юрсам ҳам мўл юрдим.

Яхшиямки, тўрт-беш ёшимда онам бу оламдан ўтиб кетган экан. Йўқса, бу тошбақа юришим билан онам бечорани куйдириб, ажалдан беш кун аввал ўлдирар эдим.

Бўйдоқликни тарқ этган, эй, аллқомат йигитлар! Менинг олди-да гердаяманлар. Агар жаҳлимни чикарсангиз, бир оғиз сўз билан сизни қозқидек қоқиб, ёрнинг тубига киритиб юборишим мумкин.

Отабекдек Кумушга содқк ёр бўлмадингиз-ку. Қачонгча «Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр» қўшигини зор қақшаб айтасиз. Жонларингизга теғмадимиз, бу

қўшиқ? Мана, бу менинг 35 ёшимда бўйдоқлик салтанатида ҳаёлимдаги ўша ёр билан даврад торун суриб тушган суратим.

ЯЛАНГОЁК

Арзийдиган давлатим ҳам йўқ эди. От хурқадиган савлатим ҳам йўқ эди. Борган эдим бир ерга зўрга. Одамлари етти қават баҳам, атлас кўрпачалар тўшаб, жой беришди тўридан. Шу лаҳзадаёқ аланга олиб, буралиб олов ҳам қилди мўридан.

Зиёфатлар бошланиб кетди. Барча дастурхонга ташланиб кетди. Менга ўшпаган тирик журналист-ёзувчини кўрмаган экан. Отамлашиб бундай завқни сурмаган экан. Чақнақлашиб тёрлаб-пишидик. Кучоқлашиб роса суратларга тушидик. Гоҳ чой, гоҳ май узатиб қўлимга, қаерга бормай паёндозлар тўшади йўлимга.

Бу чекка овулда ҳам гизиллаб юрган бир тақсини кўрдим. Бир мақолнинг ақсини кўрдим. Ялангоёқ турган суратимни кўриб, одамлар хайрон бўлмасин. Бечора экан деб диллари вайрон бўлмасин. Кетар чоғида уст-бошимни тузати кўйдим. Хайр-хўшлашиб кузати кўйдим. Ирим қилиб йиртиқ туфлийимни олиб қолди. Юз баравар қилиб пулини чўнтагимга солиб қолди. Индамай шу ондаёқ уйга қайтдим ялангоёқ.

ЮРАГИМДАН ЖОЙ КЎЙДИМ

Тўғон қуриб кўз ёшимнинг йўлини тўсдим. Мен ҳеч ҳам йилламай ўсдим. Нега мени аллалаб овутидинг, онажон? Нега мени ўзингдан совутидинг, онажон? Тулин ой тутилган тунда. Сен ўлган кунда мен бутадек бўзлаб йилғай олмадим. Юрак-бағримни ҳам тил-ғай олмадим. Тўй бўлаётгандек ўйнаб юрдим. Рўҳингни жуда ҳам қийнаб юрдим.

Мен қайтиб келасан дебман. Ҳақиқат атрофимда елдек еласан дебман. Мен ўлим нима билмабман. Кўзларимга ҳам илмалман. Ўзимга келиб бошганимни қашладим. Сени эслаб соғиниб йилғай бошладим. Энди кўз ёшларим дарё бўлиб оқмоқда. Лиммо-лим кирғонидан тошмоқда. Бир кун бақилқари мени ямламай ютади. Ҳозир эса сув тағида мени муштоқ бўлиб кутади.

Оҳ, онажон, онажонгинам, се-

нинг меҳринга тўяй дедим! Суратингни ушбу суратимнинг ёни-насига қўяй дедим. Афсус, суратингни излаб ҳеч ердан топа олмадим. Шу бақувват қўлларим билан кабутарнинг қанотидек ёнглигина альбомимни ёпа олмадим. Бир тўйиб ичай деб чой қўйдим. Охири сенга юрагимдан жой қўйдим.

РАССОМ ҚИЗ


Сарсон-саргардон бўлиб кўча-қуйда. Ўғлим сен дунёга келган уйда. Бир пайтлар мен ёлғиз яшар эдим. Топган-тутганимни бир ўзим жимгина ошар эдим. Чўнтагимга қўл тиқиб баъзан деразадан олисадаги юксак чўққиларга нигоҳ ташлар эдим. Дўстларимни яхши ва ёмон ишларга ҳам шулар эдим. Отам ҳам, онам ҳам китоб эди. Ҳатто ёстигим ҳам китоб эди. Ҳақиқат қўлоғим тағида: йўлдан адашма, деган хитоб эди.

Менинг бўйдоқлик хонамга не бир хурлиқлар келиб кетди. Қоғозларга қўмилиб яшашимни кўриб бошларидан ақли-хуши учиб кетди. Мен гузаллардан ҳам гузал қизларнинг асалдан ҳам ширин лабларидан тўйиб ўпдим. Уларда қолмади менинг ҳақким. Жонларимга бўлар-бўлмас қизиқ гаплар отдим. Оллоҳим кеҳирсин. Роса гуноҳларга ботдим. Ҳеч тўғри келмади юлдузимиз юлдузимизга ака-сингли киришдик. Ҳар доим бир-биримизни кўришга тиришдик.

Бахтга қара, кунлардан бир кун ўз оёғи билан келиб китоб жаҳонимдан Навонийнинг ғазалларини олиб ўқиб, оху кўзларидан ёшлар оқа-оқа сумбул сочили бир қиз хушидан кетди. Ўзига келгач, уйимдан хайдасам ҳам чиқмай умрбод қолиб кетди. Кечаю кундуз китобларимнинг, хонамнинг чанг-гардларини чинидек ялтиратиб артавериб бечоранинг оқушларининг оппоқ қанотидек узун ва нозик биллақлари толиб кетди. Мен сабабли дилида буюк рассом бўлишдек тилақлари қолиб кетди.

Гапнинг индаллоси, бу суратдаги ёнимдаги сариштли рассом қиз, бу суратдаги жон-танзимдаги фариштали рассом қиз сенинг меҳрибон онажонинг эди, бўтам. Ҳуш қундан эътиборан қулбадан нари кетди қулфат-ғам. Ўғлим, шоирона айтганда, ҳаёлдаги маллақлардан йўқ экан ҳеч қандай бўлмади. Ориқми, тирикми, семизми — ҳаётдаги санамларга энди сен бўларвер шайдо.

Нурмаат АЛМУРОДОВ



Нашр

«ТЕАТР» САҲИФАЛАРИДА

Журналнинг янги сони нашрдан чиқди. Унда театр санъати, эришайтган зотуқлари, муаммолари ҳақида мақолалар, шунингдек, соҳа фидойилари, жаҳатқаш актёрлар билан сўхбатлар босилган. Қуйида энг сара мақолалардан парча ўқийсиз, ўйлаимизки, улар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

САҲНА НУТКИ МУАММОЛАРИ

Қизиқ ҳолат. Санъат инсти-тутида санъат нутқидан етарли сабоқ олиб, театрга иш-лашга борган айрим ёш артистлар бу кунга келиб нутқ масаласида оқсаб қолмоқда-лар. Айрим ёшларнинг нутқига ҳам, образларга хос тилига ҳам асло тушуниб бўлмайдим. Нега шундай? Ахир институтда бундай билим берилмагани-ку! Бундай йўқотилларнинг сабаби битта: у ҳам бўлса институтда ёш актёр олган турли йўналишдаги билимнинг, жулладан саҳна нутки сабогининг театрларда изчил давом этирили-маётганида, тўғриси театрларда нутқ масаласига эътибор камлигида.

Ўқтамхон НУРМУҲАМЕДОВА

ТЕАТРУ ТАНИҚЛАРИГА АҲАМИЯТ

Фақат, танқид жиҳатимиз театрумиз билан бирга бора олмаб ётибдур. Танқидчиларимиз нима учундир, театру санъатини яқиндан англаётган ҳолда майдонга чиқадирлар. Бунинг сабабини нимадан ақтарамиз? Менимча, саҳнаимиз, унинг ўз ичига кирганлар томонидан зўр ғайрат билан илгари олиб борилмоқда; ўша саҳна хизматчиларининг фаолияти билан юксалтирилимоқдадир. Аммо, саҳна аҳли, саҳнани севаганлар ва севдим деганлар ўйин уйналган кун бир томошачи қаторида залга кириб ўтириб, ўйин биттагач, ўша кунлик таассуротни кўтариб мубоҳаса

йўли билан уйга қайтади-рлар. Эрта билан ухлаб тур-гонларида кечаги таассуротларидан ҳеч нарса қол-майди.

ЧЎЛПОН

ЙЎҚОТганим ЭМАС, ТОПганим КЎПРОК

(Ўзбекистон халқ артисти Рихсижоним Иброҳимова билан сўхбат)